





Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллигига

# Ҳазрат Навоий қадрлаган уллуғ олим

© БУГУН ТОШКЕНТДА АБУ ИСО АТ-ТЕРМИЗИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ АНЖУМАН БОШЛАНАДИ

ДУНЕДА ҳеч бир илмий маҳсул ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У маълум тарихий даврда, илмий-адабий муҳит жароғида воқеа этиб майдонга чиқади. Биз бугун уллуғ олим, муҳаддис Абу Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигини таштанали нишонлаб турган эҳтимол биз аллома яшаган даврдаги асосий муҳитга тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Ҳазрат Абу Исо ат-Термизий тугилган даврда Урта Осиёда жуда катта, қўламини кенг илмий адабий муҳит мавжуд эди. Моҳир-этнобори билан бу муҳитни таҳқиқ, Ислому фалсафий муҳити ҳамда жаҳон илмий адабий муҳити, деб аташ мумкин. Бу пайтларда Марғилон, Самарқанд, Қарши, Денон, Бухоро, Термиз, Табриза, Балх, Хири, Нишопур, Бағдод, Шероз, Басра ва бошқа шаҳарлардаги мадрасаларда юзлаб олимлар етишиб чиққан эди. Улар тўғрисидаги кўпдан-кўп маълумотлар бизнинг бугунги кунимизга қадар қўлёзма ҳолатида етиб келди. Уша даврдаги мушофур уламолар илмий шарият, илмий тарикат, илмий ҳақиқат билан бир қаторда, илмий маърифат, илмий қўноқот (энг қадимий илмлар), илмий сақалайин (инсон ва жонлар тўғрисидаги илм), илмий таҳқиқ, илмий фано, шунингдек, нуҷум, риёзат,

мантиқ, қонуу, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, жуғрофия, табиат, осмон, кимё, тиббиёт ва бошқа қатор табиий ҳамда интиқий фанлар билан илмий фаолият олиб борар эди. Илмлар тарғибида ҳазрат Навоий қуйидагиларни келтиради: «Аҳмад бинни ал Осим Антани сўзидурким: ҳар амалнинг имоми илмдур, ҳар илмининг имоми иноят» («Насойимул муҳаббат»). Яъни ҳар қандай ишнинг бошловчиси илм бўлмоғини, илмининг бошловчиси аса иноят бўлмоғини кўрсатиб беради. Шунинг учун илмий-адабий муҳитда етишиб чиққан машҳур уламолар Исломининг энг асосий йўналиши билан бир қаторда унинг тармоқ-тармоқ илмлари бўлиши Ҳадис, Тафсир шарҳларида ҳам иқодий фаолият олиб борар эди. Иқод этган, нашоф этган илмларини аса кенг халқ орасида тарғиб ва ташвиқ қилар эди. Бу уламоларнинг ўша даврдаги йирик вақилларидан Зуннун Мисрий (вафоти 860), Абу Язид Вистомий (вафоти 874), Муҳаммад бинни Али Ҳаким Термизий (вафоти 860) қабилини аташ мумкин. Бу кишилар Ислому дунёсида Авлиё даражасида улуғланганлар (қаранг, Фаридулдин Аттор, «Тазкират ул-Авлиё»). Биргина Термиз шаҳридан Ислому оламига Муҳаммад бинни Али Ҳа-

ким ат-Термизий, Абу Бакр ал-Варрақ ат-Термизий, Абу Зар ат-Термизий, Муҳаммад бинни Ҳомид ат-Термизий, Абу Музаффар ат-Термизий каби уламолар етишиб чиққанлар. Бу муътабар кишиларнинг уллуғвор ишлари, илмий фаолиятлари, адабий асарлари тўғрисида ўзидан кейинги мутофаккирлар махсус асарлар ёзганлар. Жумладан: Шайхул Ислому Абдурахмон ас-Ансорийларнинг «Табақот ас-Суфия», Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-уснини ҳазрат ул кудус», Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат мин шамоимул футувват» асарларидан муносоиб ўрин олган. Масалан: Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида Муҳаммад бинни Али Ҳаким ат-Термизий тўғрисида шундай ёзади: «Кўп ҳадиси бор ва зоҳир қаромати ва тасанифи бор доғи ул жумладан «Хатмул вилло» китоби ва «Наҳж» китоби ва «Наводир ул-усул» ва муидий ўзга китоблари бор ва бир Тафсиру ҳам ифтидо қилгоидур, аммо этмомига умри вафо қилмайдур. Абу Бакр Варрақим онинг шоғирдидур («Насойимул муҳаббат»). Абу Бакр Варрақ ат-Термизий тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Оти Муҳаммад бинни Умар ал-Ҳаким ат-Термизий асли Тер-

миздидур. Қабири ҳам андоидур. Аммо Балхда бўлур эмиш. Абу Исо Термизийнинг тағойисидур. Кўп тасанифи бордур. Ва Таврот ва Инжил ва Забур ва Кутуб осмоний ўзубдур ва шешрий девони ҳам бор («Насойимул-муҳаббат»).

Биз бугун таваллудли тантанасини нишонлаётган ва ҳазрати Навоий таъкидлаган Абу Исо ат-Термизий бевосита Абу Бакр ал-Варрақ ат-Термизийнинг тарбиясида бўлганлар ҳамда унинг илмий-адабий ҳаёти таъсирида яшаганлар. Шу билан бирга IX асрдаёқ Урта Осиё олимлари Таврот, Инжил ва Забур илмларини ўрганганини ҳамда Арастунинг осмон тўғрисидаги китоби ҳам ўша давр уламолари диққатидан четда бўлмаганлигини аққол кўрсатиб беради.

Ҳазрат Алишер Навоий Абу Бакр ал-Варрақ ат-Термизийнинг уллуғ инсон сифатида қадрлар экан унинг уллуғвор сифатидан қуйидагини келтиради: «Ва ҳам онинг сўзидурким умаронинг фасоди зулм билдур, уламонинг фасоди тама билдур. Яъни ҳукмдор амалдорларнинг чирқлиги ва пастқилиги уларнинг зулм қилишида бўлса, олим-уламоларнинг чирқлиги ва пастқилиги бировдан нарса тама қилишдан сақланишини тарғиб этганини кўраимиз. Энг муҳими уламо (яъни олим)лар иборасининг қўлла-ниши ўша давр илмий адабий муҳитининг етуқ ва ниҳоятда кенг эканлигинидалолат беради.

Ҳамидхон ИСЛОМИИ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг илмий ходими.

## РЕКАМА ВА ЭЪОНААР

ТЕЛЬМАН НОМЛИ ТОШКЕНТ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОГИ

1990 ЙИЛ 15—16 СЕНТЯБРДА ҲАВАСКОР ҚУЕНБОҚАРЛАР ВА НУТРИЯ-БОҚАРЛАРИНИНГ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР ҚУРГАЗМАСИГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ

ДАСТУРДАН: Тошкент, Красногорск, Чирчиқ, Янгйўл, Тўйтепа, Янгибод шаҳарлари ва Калинин ноҳияси ҳўжалиқларида боқилган энг яхши навли қўёнлар ва нутриялар номийири;

Қўён ва нутрияларни парварити қилиши, ўстириши ва даволашга оид маслаҳатлар бериши;

Қўён гўшти ва ундан тайёрланган таомлар савдоси ўрни олган.

Энг яхши экспонатлар учун дипломлар, ёриқлар, мукофотлар берилади.

ҚУРГАЗМА СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ.

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1990 — 1991 ўқув йили учун хариташунослик, аэрофотогеодезия ихтисослари бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9 ВА 11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ШАХСЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 9-синфни битирганлар учун — 4 йилу 6 ой; 11-синфни битирганлар учун 2 йилу 9 ой.

АРИЗАЛАР 1 ОКТЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли ва нусхаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 086/V андоздаги тиббий шаҳодатнома, 4x5 см катталикдаги 6 та фотосурат.

Кириш имтиҳонлари даврлар бўйича 1 ноябрдан 15 декабрга қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади: математика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (диктант — 9-синфни битирганлар учун, ишю — 11-синфни битирганлар учун).

9 ва 11-синфни, шунингдек ўрта ҳунар-техника билим юртисини «4» ва «5» баҳолабга битирган, ҳамда талланган ихтисоси иш йўналишига мос бўлган шахслар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқувчиликқа қабул 16—25 декабрь кунлари ўтказилади.

ЎҚУВ ЙИЛИ — 2 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Машгулотлар рус тилида олиб борилади.

Техникум манзили: 700125, Тошкент шаҳри, Куйбишев ноҳияси, М. Горький шўҳрчаси, 82-уй (17, 83, 96, 71-автотуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 9, 18-троллейбусларнинг «Маданий институт» бекати) Телефон 62-58-34.

БУ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

Агар Сиз юқори эритмалли пўлат, алюминий, титан ва бошқа рангли металлларни пайвандлашни ўрганмоқчи бўлсангиз ва пухта ишлайдиган пайвандлаш ускунасига эга бўлишни истасангиз Бутуниттифоқ машинасозлар илмий-техника жамиятининг Тошкент виллоят идорасига мурожаат қилишнинг мумкин.

Пайвандчилик илмий чиқариши соҳасидаги мутахассислар шартнома асосида қуйидаги хизматларни кўрсатади: — техникани хўжнатларни ишлаб чиқиши; — тўғри маслаҳатлар бериши; — бажарилган илмий-тадқиқот ишларини экспертизадан ўтказиши;

— электроника элементлари бўлган ускуналарни созилаш, таъмирлаш ва техника хизмати кўрсатиши; — пайвандлаш ва газ воситасида кесиб ускуналарини пайвандчилик ва соловчиликни ўқитиши.

ИШЛАРИНИНГ СИФАТЛИ ВА ПУХТА БАЖАРИЛИШИНИ КАФОЛАТЛАЙМИЗ.

Манзилими: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй, Бутуниттифоқ машинасозлар илмий-техника жамиятининг виллоят идораси.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 67-14-68, 67-18-29, 33-20-30.

Хизматимиздан фойдаланинг!

БУТУНИТТИФОҚ МАШИНАСОЗЛАР ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ИДОРАСИ

ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КўРСАТАДИ:

— кашифтлар, саноат намуналари ва маҳсулот белги-лари учун бюуртамаларни расмийлаштириши;

— аниқ бюуртамалар бўйича хизмат ёзишмаларини олиб бериши;

— бюуртамалардаги чиқмаларни бажариши;

— кашифтчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган патент тадқиқотлари ва бошқа ишларни ўтказишда услубий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиши.

Бюуртамалар билан ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам иш олиб борилаверади, расмийлаштириш аса рус тилида бўлади.

Бажарилган иш учун давлат нархларидан 30 фоиз арзон нархда ҳақ тўланади.

Манзилими: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй, 15-хона. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 67-14-68, 33-20-30, 62-70-45.

«УЗАГРОСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

МАХСУС КОНСТРУКТОР-ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ

БЮУРТМАДАГИ МАТЕРИАЛДАН ЕКИ КЕЛИШТИЛГАН НАРХЛАРДА Ҳ3 МАТЕРИАЛЛАРДА

Турар жой ва корхоналар биноларининг сув ва пар билан таъмирлаш ва истиҳота мўлжалланган, 0,6+4,0 МЕТ ҲАЖМИДА ИССИҚЛИК ЕТКАЗИБ БЕРИШГА МўЛЖАЛЛАНГАН, 2 тандан 6 тагача қозонлари бўлган блокли қозонхоналарни куриб бериш учун

БЮУРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қозонхона жиҳозлари тўлалигича ўрнатилган алоҳида блоклардан иборат.

Қозонхонани ўрнатиш бир иш кунига бажарилади.

5 ва 10 секцияли 0,57 ва 1,14 кВт қувватта эга бўлган энг замонавий пўлат радиаторларни реализация қилади.

1 кВтнинг таҳминий нархи — 32 сўм.

— иссиқлик тармоқларини каналсиз ўтказиш учун иситишчи полимербетондан ва иситишчи устки қисми полиэтиленли гидронюция билан ўралган иссиқлик гидронюцияли қувурларни тайёрлайди.

Қувурни бюуртамачининг ўзи келтириши шарт.

Бизнинг манзилбоқ: 700154, Тошкент шаҳри, Сергели Жанубий саноат зонаси, телефон 58-58-32.

# Фараз, башорат ва тахминлар Нақл — ақлнинг онасимиз?

«Нақл — бу ақл», дейишди боболаримиз. Яна унга илова қилиб: «Ақл ёшда эмас — бошда», деб ҳам қўйишди. Дарҳақиқат шундай. Зеро, келажакни қўлаб қилинган ҳар қандай оқилона ишнинг оқибати яхшилик билан тугалланади. Бунга ихозининг ҳолати йўқ, албатта. Нега шундай? Чунки ҳар бир оқилона ишнинг тағдида қўл-гина тажрибаларда сизилган олам-олам нақллар ётади. Лекин, негадир XX аср одамларининг ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб йиллардан бери ўтқилиб келаятган боболаримизнинг нақлларига бўлган эътиқодлари сусайиб кетганлиги. Шу ўринда ўсириши йитит ва оналаримизда учраб турайдиган бир мисолни эслаш жоиздир.

... Ийити ҳўлқангича эшикдан кирди келди. Қўлидаги жомадонини уйга улоқтирди-да: «Ая! Бўлғуси келишини-

гизини кўрдим. Ҳўзи, худди «Паришта»га ўхшаркан. Мен розий», дея учрашуга чиқиб кетди.

— Ҳа, «Шайтон!» Қизнинг ақли эмас, ҳўсини керак эканда, — деганича онаси ўғлининг орқасидан қараб қолди.

Бу кичик «Она ва бола» лавҳасида қизнинг сарвиқомати «Паришта»га, боланинг шўхлиги эса «Шайтон»га қиёс этилади. Бир қараганда бундай қиёсаш тўғридек кўринади. Лекин у «Паришта», «Шайтон» ва шуларга ўхшаш, XX асрда ишлатилаётган сўзларга боболаримизнинг қарашлари нуқтан назаридан маъно бериб кўриш, фикримиз мутлақо ноурин бўлиб чиқади. Келинг, mana бу ривоятни биргаликда эслаб кўрайлик.

... Қадим замонда, қуёш чиқар томонда қўнча мамлакат бўлган экан. У мамлакат халқи шўхидан хўрсанд экан, чўнчи, шўх одил экан. Халқ шўхнинг, шўх халқнинг изими-ихтиридан чиқмас экан.

Қўнчаларнинг бирида қўшни мамлакатларнинг жоҳил шўхларидан бири одил шўхга мактуб юборибди. Унда шўхдай ёзилган экан:

«— Қўнматли шўхим! Яратган оллоҳ ўз бандаларига вабо юборибди. Вабо оқибатинида бандалар эрта тонгдан то тун қоронғисигача бир сўзини сўзлайдилар, алланималарни тақор-тақор айтиб, нималариндир маъқўллайдилар. Аммо уларнинг бу сўзларига ва на гапларига тушунасан киши. Илтимосим шўхим, яъни сен илм ва маърифатнинг бир намоиандиси сифатида, оллоҳ томонидан юборилган ўша вабо-нинг олдиди олурсан, йўл-йўриқлар кўрсатурсан...»

Одил шўх мактубни ўқибди-ю, ўша онинг ўзидеъ жоҳил шўхга ушбу маъзунда мактуб ёзди:

«— Сен ўз фарзандингга ёмондир раво кўрмаганингдек, яратган оллоҳ ҳам ўз бандаларига ёмонликни раво кўрмайди. Гар, агар, сен ўз халқингга чиндан ҳам яхшилик раво қилмоқчи бўлсан шайтоннинг сўзига эмас, балки паришаннинг сўзига қўлоқ солиш иш тўғри.»

Ҳўш, бу ўринда одил шўх ўз мактуби билан нима демасди?

Одил шўх ўз мактуби орқали жоҳил шўхга панд-насиҳат қилиб айтиди: «— Сен илмсиз одамларнинг гапига эмас, балки илмли, ўткир эҳди одамларнинг гапига қўлоқ солиш иш тўғри! Шундангина сен вабо офатидан қўтласан», — демоқчи бўлди.

Маълумки «Онг» ва «Фикр» деган физиологик тушунчалар бор. Экологиямизнинг олтин ё бўлмаса унинг биринчи қонуни ана шу икки физиологик тушунчаларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва у қуйидагича таърифланади.

«— Онг фикрга буйрўқ бериши, фикр эса у буйрўқнинг лойиҳасини хотирадан ахтариб топшиши ва унга чиқиши керак». Лекин, биз XX аср одамлари экологиямизнинг бу қонунига мутлақо риоя қилмайдилар. Унинг кўпдан кўп ҳолатлари борки, ҳаётга таъбиқ этиш аини мудабо бўлади.

Табаот илми аҳлларининг маълумотига қўра, ерлик инсонларнинг бош миъяс Ингирлардан ташкил топган экан, унинг бир қисми хотира вазифасини ўтайди, холос.

Шундай экан, агар лойиҳалар чиниши хотирадан ўчмас, тез орада хотира сизини лойиҳалар чиниши билан банд бўлиб қолди. Худди шу пайтдан бошлаб хотира янги лойиҳаларни қабул қилмайди. Агарда инсон хотирасини янги ахборотлар лойиҳасини қабул қилмас экан, у инсон «Миядан ўчмайди» касаллигини мутлақо мутлақо бўлади. Энди у бемор хотирага чинилган лойиҳаларини магнит лентаси каби қайтараверади. Лекин бу беморлар онгли қобилиятини аввалига бутунлай йўқотмайдилар. Чунки фикр ҳам оннинг мавҳум қўнқишларидан бири. Шу боис, аввалига фикр ҳам онгли ҳаётингизга оз бўлса да ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис айрим беморлар, аввалига ижобий фаолиятларини давом эттиришлари мумкин. Аммо ундай беморлар гўятда журъатсиз бўлади, ўзига ишонмайди, қўрқув, иккиланши ва қайғуни кўтишдек оғир кечималар гирдобига азобланади. Уларда воқеликка инсубатан соғлом ва аниқ муносабатда бўлмайди, аксинча хавотирли — бағдумон кайфият устуллик қилади. Бундай беморлар ҳадисировчан, тортиноқ бўлади. Беморда бундай хусусиятлар аста-секинлик билан вужудга келади. Лекин кейинчалик ҳукмронлик мавқени эгаллайди. Худди шу пайтдан бошлаб фикр оннинг устидан тўла галаба қозонган бўлади.

Бемор шундай вазиятга тушиб қолади, у «Мен кимман», «Умуман нега мавжудман?» каби фалсафий масалаларни ҳам ечишга уннала бошлайди. Шу билан бир қаторда улар одоби, хўшмуомалали, сипо, сержаталлуф ҳам бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, айрим беморлар унча-мунчага ҳафа бўлмайдиган, агар сўхбатдоши унда йўқ айбларини унга тақаса ҳам у ачиқчонамандлик, одатда, одамлар хайрон бўладиган нарсаларга улар ажабланимайди бўладилар. Кимларгадир алланималарни ўқитдилар, нималардандир норози бўладилар, нолийдилар. Бора-бора ҳар қандай нидан воз кечадилар. Энг муҳими, уларнинг тавалари соғ бўлади.

Мабодо ахборот ўчган тақдирда ҳам асорати хотирада қолади. Аста-секин у яна тақомиллашади. Натияжада хотира у лойиҳани беморга вақти-вақти билан эслабди тўраверади. Бу айтилган фикрларга мисол тариқасида сиз ўз ёшлигини эсланг. Нафатан эшликда, балки ёш улуғланиб қолганда ҳам қилинган бирор ноқўна ҳаракатини сиз абаду-абад эслаб юрасиз. Шу бондан ҳам боболаримиз: «Шайтоннинг сў-

зига кириб шундай иш қилиб қўйганда», деб сизни койиб юрадилар.



## Сўнги имконият

© БЕЛОРУССИЯ ССР. Mana бу аёлларга биринчи марта содир этган жиноятлари учун жамиятдан ақрибати колонияга юбориш олдидан сўнги имконият берилган. Албатта, уларнинг ҳўзриги ҳаётини ҳам эркин деб бўлмайди. Улар назорат остида, кун тартибига риоя қилишлари керак, оила аъзолари билан юз кўришмайди. Шўнга қарамай улар маълум имтиёзлардан фойдаланишлари: шаҳар бўйлаб ишга ўзлари бориб-келишлари, оилаларига қисқа муздатила отувса, дам олиш кўнлави эркин юришлари учун рухсатнома берилади.

Улар Брест виллоят ишюрва комитети Ички ишлар бошқармасининг махсус комендатураси ётқонмасида истиқомат қилинади. Уларни халқ суди ҳўким билан мажбурий меҳнатга жалб этилиб, шартли риваида озодликдан маҳрум этилганлар деб аташади. Брест тилим бирлашмасида тўқувчи, йигиручи, калавловчи, бўғичи, фаррош бўлиб ишлашади.

СУРАТЛАРДА: Надежда Михайловна В. муздатилин ўтаб бўлгандин сўнг бирлашманнинг ўзида ишда қолди; ётқонма зоналаридан бирида.



## Анхор бўйида

«Мок нан кот» (мағнолия гули) — «Анхор» қайиқ-эшик-эшик станциясининг хўшман-эра худудига ана шундай ажойиб ном билан аталган ошхона очилди. Шўр услубида қурилган бу корхонани ташкил этишда Кореяни бирлаштиришга кўмаклашувчи совет уюшмаси ташаббус кўрсатади.

Шарқ таволларининг ихлос-мандлари бу ерда хизмат қилаётган ошпазларнинг маҳоратини муносоиб баҳолаб олдидилар. Ушпазлар хўрандаларга қорейсларнинг ранг-баранг миллий таволларини тақлиф этишмоқда. Аччиқчилик қосқи ва бағоддан ташқари бу ерда хилма-хил салатлар, иссиқ ва соғуқ таволларни бюуриш мумкин. Маззаўраклар бу ерда қирққудан тайёрланган томини, сибирь чўчвараси ва қатто хитой шўравсини татиб кўришлари мумкин.

Бизнинг унча шинаванда бўлмаган хизматчиларимиз-

[ЭТАГ.]

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ



Шаҳримиз спорт жамоаларида

## Омад ёр бўлсин!

Тошкентнинг «Трактор» командаси 1987 йилдан бери футбол бўйича СССР биринчилигининг иккинчи лига мусобақаларида муваффақият билан қатнашиб келмоқда. Командада иш яхши ташкил қилинган.

Албатта, жамоа учун бундай ютуқларга эришиш осон кўчмади. Учинчи ва устозларнинг ҳамжihatлиги, ўз олдларига қўйган мақсадларига етиш учун тинимсиз ҳаракатлари туфайли «Трактор» бир неча йил ичда жумҳуриятимизнинг етакчи футбол жамоаларида бирига айланди. Жамоа келажакда «Пахтакор» учун иқтидорли чарм тўп усталарини еттиштириб беришда муҳим роль ўйнаши тавоний. Жамоатчи муҳбиримиз командани бошқариш А. Алимов билан урғашиб, «Трактор» ютуқларининг сирини жамоа аъзадони ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

Командани тарқ этмаслигига ким кафолат бера олади? Тўғри, баъзан қийинчиликларга ҳам дуч келишга тўғри келмоқда. Мисол учун, яқинда кучли ҳимоятчиларимиздан бири Аҳмадхон Муҳаммаднинг ҳимоят чизигига бошқа ўйинчини топиб, уни тайёрлаганимизга анча вақт керак бўлади. Бу ҳам муаммо, албатта. Барча командаларда бўлгани каби «Трактор»нинг ҳам ўз сермаҳсул ҳужумчиси бор. Бу футбол иштирокчилари яхши таниш бўлган собиқ пахтакорчи Хитойли Жилиқандир. Унинг ҳисобиди ҳозирча еттига тўп бор.

Команда бош тренери Владимир Иванович Бабанов билан алоқамиз дуруст. Шу пайтгача ҳали сан-манга бормадик. Олдимизда турган вазибаларини келинган ҳолда бақаришга ўрганиб қолганмиз. Ингитларимизнинг ҳам бир-бирлари билан аҳил бўлишлари учун илтимоқдамиз. Зеро, уларнинг ҳаётлари ақиллиги яшил майдонда ҳам ўз икборий таъсирини кўрсатади. Энди ҳаммаси командамиз футболчиларига боғлиқ. Яхши ҳаракат қилиб, ўз имкониятларини тўлиқ фойдалана билсалар, муҳлисларини албатта хурсанд қиладилар. Мақсадимиз, биринчи бешликдан жой олиши. Бунинг учун ўзимиздаги бор имкониятларини албатта ишга соламиз.

Команда бошқаришнинг охирида жумҳуриятимизнинг бош командаси «Пахтакор» ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб беришни илтимос қилдик.

«Пахтакор» бу йил айниқса олий лигага чиқиш учун барча имкониятларга эга. Ҳамма гап ўйинчиларга боғлиқ. Команда устози Ф. Новиков бой тақрибага эга. Имкониятлардан умумли фойдаланиб, устозларимиз ўйинчиларнинг ҳам ягона мақсад сари ақиллик билан ҳаракат қилишларига эришсалар, етакчи командамиз албатта олий лигага чиқиб, ўзининг кўп сонли иштирокчиларини хушуд этади. Бу борада биздан қанча ёрдам керак бўлса доим тайёрмиз.

С. ОРПОВ.

— Бу йил командадан ишлар қай йўсинда кетмоқда? — сўрайиниз команда бошқариш Абдулла Алимовдан.

— Биринчи дара яқин бўйича учинчи ўринни эгалладик. — Гап шунданки, команданинг ҳозирги эгаллаб турган учинчи ўрин ҳам ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Тинимсиз меҳнат, машқ, ўйинчиларнинг ўз маҳоратини сайқаллаш устида ишланган эвазига бунга эришдик. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, команда раҳбарлари «Трактор»нинг фанат Тошкент шаҳрида таълим олган ёш истеъодли футболчилар ҳисобида тўлариб бормоқдалар. Бу ўринда келажакда порлоқ иқтидорли чарм тўп усталардан ҳужумчи Шухрат Холмиров, ярим ҳимоятчи Раҳман Ҳайдаровларнинг эслабти ўтишимиз жоиздир. Бу, биринчидан ўйинини мустаҳкамлаш, иккинчидан команданинг эртанги кундан беҳавотир бўлиш имконини беради. Зеро, сир эмаски, занадана бир неча командамизда кўпбал бошқа жумҳуриятлардан таклиф қилинган ўйинчилар тўп суришди, қийин кулларида уларнинг

Муҳлисларнинг дил сўзлари

## «Пахтакор»га ишонамиз

Кўп қатори мен ҳам «Пахтакор»нинг содиқ муҳлислариданман. Утти йилдирки унинг галабасидан қувонаман, мағлубиятидан қуянаман. Эсимда, 60-йилларда команданинг муҳлислари жуда кўп эди. Унинг оғзаги иштирокчиларининг сийғай кетганлигининг ҳам бир неча марта тавоҳи бўлганман. Чунки «Пахтакор»нинг ҳужумкор ўйини, сермаҳсул ҳужумчиларимизнинг маҳорати ҳеч кимни бефарқ қолдирмасди. Афсуски, авнаши ҳалокатидан кейин командамиз ҳажмон ўзини ўнгалол ололганича йўқ. Бу вақт ичда «Пахтакор»га озмулча футболчи ва тренер келиб-кетди. Фақат ҳақиқий иштирокчиларимиз командамизга келганини, Хайратий, кўплар ордун қилган кўнлар яқинга ўқшади. «Пахтакор» ушбу мавсумда анча яхши ўйнади. Айниқса, совет футболбандида кўзга кўрилган энг маҳоратли ва етук устозлардан бири К. Бесковнинг таълимини олган Ф. Новиковнинг жамоага раҳбарлик қилиши яхши натижалар берди. Командамизнинг ўйинида ақиллик, ҳужумкорлик тобора кўчайиб бормоқда. Ҳамюртларимиз рақиблар майдон

идан ҳам галабалар билан қайтипти. Айниқса, мавсум бошлангандан бери турнир жадалиди қарвонбошлик қилаётган «Спартак» (Владикавказ)нинг ўз майдонига «Пахтакор»дан энгиллини иштирокчиларимиз кўнглига умид чироқларини ёқди. Муҳими, жумҳуриятимиз футболбанди етишиб чиққан А. Жабборов, О. Тиллаев, Р. Галеев, Н. Хасанов, Ф. Урдалов, У. Рўзимов, И. Шарипов, С. Турсунов каби футболчилар ҳал қилувчи ўйинчиларга ўзларини кўрсатишти. Бу келажакда албатта, ўз натижасини кўрсатади. Биринчи лига мусобақалари ҳал қилувчи паллага кирди. Ҳар бир очко ганимат. Мен сезимли командамизнинг мавсумнинг охирига суръатини буншагидеки ҳаракат қилишларини истардим. «Пахтакор»нинг олий лигага кўриш эса ҳар бир футбол иштирокчиларининг дилдаги ният. Мен ҳам кўп қаторида пахтакорчиларга омад тилаб, «Бўш келман, янгатлар, биз доимо сиз билан биргамиз» деб қоламан.

Д. ФАЙЗИЕВ,  
Янгиёул районидagi 11-автоколонна-  
нинг ҳайдовчиси.

Умумтаълим жисмоний тарбия жамоаларида

## Бирини кўриб қувонасан...

ҲАМЗА районидagi 156-ўрта мактаб ҳар соҳада илғор илм масканларидан бири ҳисобланади. Ҳукумат тарбия ишларининг ташкил этилиши ва синф хоналарининг жиҳозланишини кўриб бу даргоҳда чинакам фидойилар ишлаётганига амин бўлади, киши. Ҳукуматнинг бўш вақтларини ташкил этиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, мактабда 8 хил тўғарак ишлаб турибди. Тилиб илмлар бола-болалар стужалари, послика қўтилари ясашида, ёстиқ жиндлари, халатлар, дастурмоқларни тикишди. Жамғарилган маблағнинг 50 фоизи мактаб фондига ўтказилди, қолгани эса ўқувчиларнинг ўзларига берилади. Бу йил март ойида шу маблаг ҳисобига юқори синф ўқувчилари Киевга бориб дам олиб келиши. Бу ишларнинг бари яхши, албатта. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Юқоридagi ишлар билан бир қаторда биз ишларимизни мактабда спорт билан шуғулланишлари, бандларини чиништиришлари, соғлом ва дуркун ўсишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш беришимиз лозим. Бир пайтлар ушбу мактабда ҳам спорт-соғломлашти-

риш ишларига катта эътибор берилаётган эди. Унинг қилини ва гимнастика зали, ёзи спорт майдончалари бўлиб, болалар спорт машқларини кувноқлик билан ўтказардилар. Афсуски, 1982-йилда мактаб спорт залида Бутуниттифоқ мактаб ўқувчилари спартакиадаси дастурини ўзини олган батутдан сакраш бўйича мусобақаларга тайёрларди кўриладиган бўлди... Келинг, яхшиси бу ҳақда мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси, партия ташкилотининг котиби Юсуф Раҳматуллиннинг ўзи гапириб бера қолсин.

— 1982 йилда Халқ таълими вазириликнинг қарорига биноан кишики спорт залимиз июнь, июль, август ойлариди вақтинча фойдаланиш учун батутдан сакраш спорт билан шуғулланадиган ўқувчилар ихтиёрига берди. Улар мактаб ўқувчилари Бутуниттифоқ спартакиадасига шу ерда тайёрлик кўриши. Бунинг қарангичи, ўқувчиларнинг ёнги таълимлари тугагач, зални ихтиёрига қайтариш ўрнига 17-БСМнинг батут тўғрисидаги спортчилари 5 та тренера билан бу ерда мустаҳкам жойлашиб олишди. Зални бўшатишлар десак, биз кат-

тали бор. Юқори синф ўқувчилари бу ерда машғулотлар ўтказишлари мумкин. 1—4-синф ўқувчилари эса гимнастика залда йиқилиб жароҳат олишлари мумкин. Шу сабабдан улар қишда тур норидорда спорт билан шуғулланмоқдалар. Ахир, қанчогача, ўз мактабимиздаги спорт залдан ўзимиз фойдалана олайми? Наҳотки, шу икки тренери болалар ва ўсмирлар спорт мактабига кўчиришнинг иложи бўлмади?

Ха, жисмоний тарбия ўқитувчиси кўнчаклик би-



## Муҳими, сезгирлик...

1938 йили Маргетда аргентиналик грессмейстер Найдорф Алёхнини учратиб қолади. Жаҳон чемпиони боти турнирда, Найдорф эса «биринчида» ўйнади. Алёхини шу мусобақада Бек билан ўйнаган машҳур партиясининг 14-юришида рўқим қўриб қилиб, ўйини кузатиб турган Найдорфдан:

— Уйимин дурустми! — деб сўради.

Комбинациянинг теранлигини тушунамаган Найдорф:

— Ажойиб, — деб ҳайқириб юборди.

Уйин Алёхнининг фойдасига ҳал бўлди.

Меҳмонхонада мулоҳаза қилиб ўтирган Найдорф, руҳ кўрбондан сўнг ўйин қандай давом эттирилиши-

дан айтилган гапларига қўшилмасдан илон йўқ. Дарвоқе, юқоридagi гапларга бир кўлоқ солинг. Бу ўз боғиндан ўзинг мева узиб ея олмаганиндай ёки ўз ҳовлининг даркини юрмлагандек гап. Ўйлашимиз, яқин орада масала икборий ҳал қилиниб, мактаб ўқувчилари спорт билан шуғулланишларига зарур шарт-шароит яратиб берилади.

Д. ИСРОИЛОВ.

СУРАТДА: мактабнинг ёнги спорт майдончаси.  
Д. Аҳмедов сурати.

Шатранж ажойиботлари

## Менга ўргатишга журъат этдингиз!

СССРда хизмат кўрсатган тренер Я. Рохлин қўнқадиларни хотирлайди.

«1936 йили Москвада бўлиб ўтган халқаро мусобақа кунлари эди. Жаҳон чемпиони Капабланка Ласкер билан урғашуви арафасида, меҳмонхонада тайёрларкин кўра эди. Мен хонсга охиста кириб, ундан ўйинда Ласкерга қарши қайси дебютини қўнқашимни сўрадим: «Балик сицилианча ҳамюни қўнқарсиз!»

— Киши, аммо мен сицилианчани бутунлай унутиб юрганман, — деди Капабланка.

Шунда мен, унга бу дебютнинг асосий йўлларини кўрсата бошладим.

Капабланка диққат билан тинглаб, эртас кун шу дебютини қўнқлади-да, галабга эришди.

Кечга яқин у билан кўришганимизда, шундай деди:

— Азизим, мен бу партияни сизга бағишлайман. Фақат шунинг ёдда тутишгини, сиз кечириб бўлмаас хатога йўл қўнқингиз!

— Қандай хато! — сўрадим мен.

— Сиз, иккинчи даржалли шахматчиларга йўлқабилган оддий вариантларини, жаҳон экс-чемпионига тавсия этишга журъат этдингиз.

Мен билан дўстона хайрлашаётган Капабланка, завқланиб кулар эди.

ни тасаввур қилмай туриб, жаҳон чемпинини алдаганига пушаймон бўлди.

Икки йилдан сўнг, Найдорф Алёхнини учратганида ҳақиқатга кўчди.

— Доктор, Маргетда Бек билан ўйнаган партиянгизда руҳ кўрбондан ҳақиқатга меннинг фикримни сўраганингизда, ёлгон гапирган эдим. Уша пайт ҳеч нимани анигламаган эканман. Алёхнини кўриб, шундай жавоб қилди:

— Ташвишланманг дўстим, мен ҳам ҳеч нарсаи кўрмаганман, лекин — сезганман!

Т. МУХИДИНОВ тайёрлаган

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА

14-15 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ

«КУЛГИ ВА ҚУШИҚ ҲАМИША ҲАМРОҲ»

манзуида

КУЛГИ ВА ҚУШИҚ, КЕЧАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қўнқондан машҳур қизқичлар, аскиячи ва Жумҳурият қизқичлар кўриқ-беллашувининг совирдорлари — МУҲИДДИН ДАРВЕШОВ

ЖўРАХОН ҲУЛАТОВ, АКРОМЖОН АНВАРОВ, МУҲАББАТХОН ТОШҲУЛАТОВА.

Аскиячилардан: Йўлдошхон НОСИРОВ, Неъматжон ТОШПАТОВ, Ғийсиддин АБДУРАҲМОМОВ, Абулқосим ТўҒИЕВ.

Қўшиқларини: Марьям ТАНГРИБЕРДИЕВА, Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ, Шоқиржон ЮСУПОВ ва бошқалар ижро этади.

Концерт режиссёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. РАҲИМОВ.

Концерт 14-15 сентябрь кунлари кундуз соат 16.00 да ва кеч соат 19.00 да бошланади.

Чипталар сотилмоқда.

НАВОНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/IX да Тоҳир ва Зухра, 15/IX да Евгений Онегин, 16/IX да Аловиддиннинг сеҳрли чироғи (12.00), Кармен (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IX да Ҳар, 15/IX да Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари, 16/IX да Хотинлар «тапи»дан чиққан ҳангоми.

МУҲИМИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 14/IX да Олтин тўй, 15/IX да Анқовлар зайқови, 16/IX да Гул ва Напруз.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IX да Отасиянинг қиз, 15/IX да Фармонбин аразлади, 16/IX да Келинлар қузғолони, Кулги ва қўшиқ кечаси (18.00).



14 СЕНТЯБРДА

БАДИИ ФИЛЬМЛАР:

Савъат саройи (катта зал) «ҲАЗОДАГИ ТУС-ТУПОЛОН» (17, 19, 21).  
Чайка — «ПИЛЛА» (16, 18, 20, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номи — «КАШМИРДАГИ СЕВИ» (16, 18, 20, 21.00).

К. Ерматов номи — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (17, 19.00).

Восток — «ТАҚДИР ЭРКАТОЙИ» (16, 18, 20, 21.45).  
Москва — «ПИЛЛА» (16, 18, 20, 20.40).

Қозғоғистон — «ПИЛЛА» (16, 17.00), «МАФИЯНИНГ ХОТИНИ» (19, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги номи — «ҚОРА АТИРГУЛ ҒАМ-АЛАМ РАМЗИ, ҚИЗИЛ АТИРГУЛ СЕВИ-МУҲАББАТ РАМЗИ» (17, 20.00).

15, 16 СЕНТЯБРДА

БАДИИ ФИЛЬМЛАР:

Савъат саройи (катта зал) «ҲАЗОДАГИ ТУС-ТУПОЛОН» (11, 13, 15, 17, 19, 21).  
Чайка — «ПИЛЛА» (11, 13, 16, 18, 20, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номи — «КАШМИРДАГИ СЕВИ» (11, 13, 16, 18, 20, 21.00).

К. Ерматов номи — «ҚОРА ОЙ»НИНГ ЧИҚИШИ» (13, 15, 17, 19.00).

Восток — «ТАҚДИР ЭРКАТОЙИ» (11, 13, 16, 18, 20, 21.45).

Москва — «ПИЛЛА» (11, 13, 16, 18, 20, 20.40).

Қозғоғистон — «ПИЛЛА» (12, 13, 16, 17.00), «МАФИЯНИНГ ХОТИНИ» (11, 15, 19, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги номи — «ҚОРА АТИРГУЛ ҒАМ-АЛАМ РАМЗИ, ҚИЗИЛ АТИРГУЛ СЕВИ-МУҲАББАТ РАМЗИ» (11, 14, 17, 20.00).

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

институтнинг барча факультетларида тайёрлайдиган

8 ОИЛИК КУРСЛАРГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШГУЛОТЛАР — 1990 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 10-уй, ТошПининг III корпуси, II-қават, 37 «а» хона, соат 14 дан 17.00 гача.

Ўзбекистон уруш ва меҳнат ветеранларининг Жумҳурият кенгаши «Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент» рўномаси муҳаррири Э. М. Эрназарова онаси

Руқий ЭРНАЗАРОВАнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институтининг нимб-технология факультети ва «Етотча ишлов» бериш технологиясини кафедраси жамоалари кафедра муdiri, иймб фалклар доктори, профессор Ф. А. Маърупова онаси

Мунараи МАЪРУПОВАнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти маҳаллий саноят, коммунал хўжалиги ва маънавий хизмат кўрсатиш корхоналари ишчиларининг касабга уюшма қўмитаси бўлим бошлиғи Д. С. Юсуповага умр йўлдоши

Усмон Холтаевич ЮСУПОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар: ЭРКИН КОМИЛОВ, ҲОЖИАҚБАР НУРМАТОВ.

Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

САИДА РАМЕТОВА.

Артистлар: ШАВКАТ ТОЛИПОВ, МУНОЖАТ ТЕША-БОЕВА ва бошқалар.

Театрнинг бош режиссёри Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат ароби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати БАҲОДИН ЙЎЛДОШЕВ.

Чипталар театр кассасида соат 10.00 дан 19.00 гача сотилади.

ОММАВИЙ ВУОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Жавоб берувчи телефон 44-56-52.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖУМҲУРИЯТ ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ АССОРТИМЕНТИ ВА МОДАЛАР МАРКАЗИ

«ВЗ БИЛАН ХАЙРЛАШУВ» ЯНГИ СПЕКТАКЛИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Замонавий театрлаштирилган шоу-да Сиз ил-газлама, ипан ва аралаш матоладан тикилган башанг ва пухта, кўркам кишилик либосларнинг моделлари билан танишасиз.

Мода билан баравар одим ташламоқчи бўлганлар учун аёллар, эркаклар ва болалар кийимларининг ягона нусхада тикилган намуналари ким ошди савдосига қўйилади.

СПЕКТАКЛАР 14, 15, 21, 22, 28, 29 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19 ДА БУЛАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саперная кўчаси, 25-ўй «Ойбек» станцияси: 67, 58, 38-автобуслар; 13, 16-троллейбуслар; 4, 7, 8, 9, 10, 11, 24, 28-грамвайларнинг «РОССИЯ» меҳмонхонаси бекати).

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саперная кўчаси, 25-ўй «Ойбек» станцияси: 67, 58, 38-автобуслар; 13, 16-троллейбуслар; 4, 7, 8, 9, 10, 11, 24, 28-грамвайларнинг «РОССИЯ» меҳмонхонаси бекати).

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саперная кўчаси, 25-ўй «Ойбек» станцияси: 67, 58, 38-автобуслар; 13, 16-троллейбуслар; 4, 7, 8, 9, 10, 11, 24, 28-грамвайларнинг «РОССИЯ» меҳмонхонаси бекати).

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саперная кўчаси, 25-ўй «Ойбек» станцияси: 67, 58, 38-автобуслар; 13, 16-троллейбуслар; 4, 7, 8, 9, 10, 11, 24, 28-грамвайларнинг «РОССИЯ» меҳмонхонаси бекати).

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саперная кўчаси, 25-ўй «Ойбек» станцияси: 67, 58, 38-автобуслар; 13, 16-троллейбуслар; 4, 7, 8, 9, 10, 11, 24, 28-грамвайларнинг «РОССИЯ» меҳмонхонаси бекати).